

XXAILOTAJUUMI

ILMIY-METODIK JURNAL

6/2012

ISSN 0134-2231





ХАЛҚ ТАЛМИ

ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЖУРНАЛ

1918 йил деқабрдан чиқа бошлаган

б-сон (ноябрь-декабрь) 2012 йил

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЛЬМИ ВАЗИРЛИГИ,
Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДКИҚОТ ИНСТИТУТИ

БОШ МУҲАРИР
АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Р.Джураев
А.Долимов
И.Зокиров
Х.Ибрагимов
У.Иноятов
И.Отамуродов
Р.Сафарова
А.Сулаймонов
Н.Тойлоқов
Э.Турдиқулов
Ж.Фозилов
А.Холбеков
Н.Эгамбердиева
М.Куронов

Журнал ЎзМАА томонидан 2007 йил 3 январда қайтадан рўйхатга олиниб,
0104-ракамли гувоҳнома берилган.

Садифаловчи: М.Хафизова

Манзилимиз: 100027. Тошкент шахри, Ўзбекистон кўчаси, 98.
E-mail: xalq_talimi@mail.ru Тел: 245-44-60.

Журналга келган маколаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан
олинган парчалар «Халқ таълими» журнасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Маколаларда көлтиришган маълумотларнинг тўғрилтигига муаллифлар жавобгардор.

Журнал таҳририятнинг компютер бўлимида төршипб, саҳифаланди. Босиша берилди:
14.12.2012 й. Котоз бичими: 70x1001/16. Оффсет босма усул. Шартли б.т. 12.

Адади 6757 нусха. 2753-буортма.

«Шарқ» НМАК босмахонаси. 100000. Тошкент шахри, Буюк Турон кўчаси, 41-үй

Кундузой ҲУСАНБОЕВА,
Роза НИЁЗМЕТОВА,
Қозокбай Йўлдошев,
педагогика фанлари доқторлари

ЎЗИГА ХОСИЛМИЙ АСАР

Мустақилликка эришилгач, юртимида яшайдиган бошқа миллат вакилларниң ўзбек тили түғрисида"ги Қонуни ва "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да ўзбек тилин давлат тили сифатида ўргатишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда "ўзбек тилин таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) давлат таълим стандарти" яратилди. Унга таянилган ҳолда таълимнинг барча босқичларида фойдаланиладиган дастур ва дарслеклар қайтадан ёзилди. Ушбу соҳада мавжуд илмий-методик муаммалар юзасидан қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, диссертациялар ёқланди. Таникли методист олим Рустам Йўлдошевнинг "ўзбек тили дарсларида ўкувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси" номли монографияси ана шундай илмий изланишларнинг эътиборга лойик намунасиdir¹.

Ўзбек методист олимлари орасида бошқа улус вакилларига давлат тилини ўргатиш борасида бир-бирига кескин қарама-қарши бўлган икки ёндашув мавжуд. Биринчёнда оғзаки нутқини ташкил этилиши керак, деб ҳисоблайдилар. Ниҳоятда озчиликни ташкил этадиган иккинчи қараш тарафдорлари эса, давлат тилини ўргатиши жараённида грамматикага таяниш мутлако мумкин эмас, деб биладилар. Улар ўзбек тилини ўрганиш асосида ўкувчиларни яратилган нутқий вазиятга мувофиқ сўзлашга одатлантириш зарур деб сандайдилар.

Салқам қирқ беш йилдан бўён мунтазам равишида ўзга миллат болаларига ўзбек тилини ўргатиши муаммолари билан жиддий равишида шуғулланиб келаётган таникли методист олим Рустам Йўлдошев илмий фаолияти давомида юкоридаги қарашларниң рационал жиҳатларини ўзаро ўйғуллаштиришига уриниб келаётган камсононли мутахассислардан биридир. Олимнинг тилга олинган монографиясида ўрта мактабда таҳсил олаётган ўзга миллат ўкувчиларига давлат тилини ўргатишнинг педагогик-психологик асослари ҳамда амалий жиҳатлари атрофлича тадқиқ этилган.

Беш бобдан иборат китобнинг биринчи боби "Дарсларда ўкувчиларнинг оғзаки нутқини уларни ўзбек тилида кўп гапиртиришларини таъминлаш орқали ўстиришининг назарий ва дидактик асослари" деб номланади. Унда муаллиф ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишида ўзга миллатта мансуб ўкувчиларнинг психологияк ва нутқий физиологик хусусиятларини хисобга олиш кераклигига эътибор қаратади. Иккинчи тилини ўргатиши психологиясини алоҳида ўрганиб чиқкан олим физиологларнинг қарашларига таяниб, одам миясида тил ўрганишга йўналтирилган Махсус марказ ва зоналар Мавжудлигини ҳамда уларнинг ҳар бирни нутқий фаолиятнинг қайсиadir бир турини амалга

¹ Йўлдошев Р. Ўзбек тили дарсларида ўкувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртиши орқали ўстириш методики. –Т.: "Фан ва технология", 2012.

ширишга қаратылғаннин күрсатади. Шундан кепиб чиқиб, иккінчи типни үргатиша: „**тилге олған марказ өзінің марказ өзінің шақпланишінде воситачи-тил қолтамайди, бири иккінчісінің үрнини босмайды. Буни шундан ҳам билиштумкини, сүзларни үқий олған киши уларни ёзма шақлда іфодалаш малакаси-шынг мазмұннини тушунған киши уларни ёддан айтшиши мүмкін, лекин мұстакил қавишида фикр іфодалаш учун улардан фойдаланыша үкүві етмайды**“², – Деган улосага келади.

Монография муаллифи инсон нутқий фаолиятига қандайдир бир мавхум, умуми түшүнча сифатида қарамайды. Балқи, методика илміда илк бор унинг эшитиш, инглаш, сүзлаш, ёзиш сингари турлари мавжудлығы ва бу нутқий күнікмаларнинг ҳар ириш зарурлығини асослаб беради. У ружшуносларнинг фикрларига ассоспаның, тез-тез шыға солиниб турмаган марказ ёки зона үзиге тегишли сүз бойлығига эта бўлмаслигини сбботлаб беради. Демак, гарчи бир-бирларига боғлик жараёнлар бўлса-да, бегона илдаги сўзларни эшитиш, уни тушунишдан, тушуниб сўзлаш эса ёзиш ўнникласидан тамомиля мустакил фаолият туридир. Ўқувчи бу нутқий фаолият туришинг ҳар биринга алоҳида үргатилиши зарур. Шунинг учун, умуман, сўзни тушунгани билан ёзишни үрганмаган одам ўз-ўзидан ёзиг кетавермаганидек, гапиrmаган одам бир-ицанига нутқий фаолиятнинг бу турини эгаллай олмайди. Ўқувчи гапиришта ўрганиши чун кўп гапириши зарур бўлгади.

Муаллиф ўзбек тилини иккінчи тип сифатида ўрганишда ўқувчилардаги хотира турлари ҳам катта аҳамият қасб этишига эътибор қаратиб, “қисқа муддатли хотира” ва “узок муддатли хотира” сингари тушунчаларнинг хусусиятларига алоҳида тўхтапади. Олим ўдам гапирганда сўзлар, сўз биринклилари, грамматик воситалар узок муддатли хотира-лан қисқа муддатли хотирага чиқишини тарькилдайди ва бунинг учун дөмий равишда хоирага тушуриб турадиган нутқий фаолият зарурлығини айтади. Киши канча кўп гапир-ла, керакли сўзларни узок муддатли хотирадан қисқа муддатлисига тушириш кўнижаси чунча тез шақланиб, узлуксиз машқлар асосида улар малакаға айланиши мумкинligини билдиради. Олим инсон хотирасининг эмоционал, образли, сўзли – мантикий, ғификтив сингари турларига хос хусусиятлар ва уларнинг иккинчи типни ўрганишдаги ўрнига ҳам мисоллар асосида тўхтапади.

Китобда муаллиф турли муаллифлар томонидан турли йилларда яратилган “Ўзбек тили” дарсликларини атрофлича таҳлил қилади, уларнинг ҳар бирига хос ютуқ ва кам-иiliklарини кўрсатиб, ўз фиқрини бугунги педагогика илмидаги етакчи қарашларга таяниб асослайди. Амалдаги “ўзбек тили” дарсликларининг деярли барчасида ўрганилиши жежалаштирилган материалларни белгиланган мавзуз доирасидаги матн атрофидан ушшириши айланага айланган. Бунда матн гўё тил тальимини уюштирувчи марказ макомига ишқарилган. Ўрганиладиган янги сўзлар ва грамматик воситалар ҳам матн муносабати билан танланиб, тақдим этилган. Матн устида ишлаш жараёни болани иккинчи тилдаги матнни ўқишига үргатишдан ташқари, лексик ва грамматик материалларни ўзлаштириш за мустаҳкамлашга доир тадбиirlарини ҳам ўз ичига олган. Кўринадики, матн устидаги ишлар кенг қамровли бўлиб, дарснинг асосий қисмини эгаллаши табиий. Бу ҳол тұғат иши, грамматик воситаларни тушунтириш ва мустаҳкамлаш, янги материалнинг ёзлаштирилишини назорат қилишга доир керакли амалларни нихоятда кискартиришини тақозо этади.

“Ўзбек тили” дарсликларидан ўқишига тавсия этилаган матнларнинг катта қисмы иллий макола, хабар тарзидаги битиклардир. Бундай матнларни ўқиши, асосан иккى дидак-

² Ўша асар. 9–10-бетлар.

ТИК МАКСАДАГИНА ХИЭЗМАТ ҚИЛАДИ: 1) ЎҚУВЧИЛПАРГА ЎҚИШ ТЕХНИКАСИННИ ЭГАППАТИШ; 2) УЛАРНИН МАТН МАЗМУНИНИ ТУШУНИШ ВА УНДАН АХБОРОТ ОЛИШГА ЎРГАТИШ. ОЛИМ БИРИНЧИ МАКСАД ЎЗГАДЫЛЛАП БОЛАЛАРИННИНГ ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШЛАРИДА УНЧАЛЫК КАТТА ФОЙДА БЕРМАСЛИГИНИН ТАЪКИДЛАЙДИ. МАТН МАЗМУНИНИ ТУШУНИШ ВА УНДАН АХБОРОТ ОЛАБИЛИШ ЭСА, ЎҚУВЧИДАН ОГДИН А) ҲАРФНИ ТАНИЙ ОЛИШ ВА ОВОЗЛАНТИРА БИЛИШ; б) СҮЗНИ ТАНИЙ ОЛИШ, ТҮГРИ ТАЛАФУЗ ҚИЛИШ ВА ёЗА ОЛИШ; в) СҮЗ ШАКЛИ, СҮЗ БИРИКМАСИ ВА ГАПНИ ТҮГРИ ЎҚИШ ХАМДА ТУШУНИШ; г) МАТНДАН ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АХБОРОТНИ ОЛАБИЛИШ СИНГАРИ БИР ҚАТОР КҮШИМЧА ТАЪЛИМИЙ МАЛАКАЛАРГА ЭГА БÜЛИШ ТАЛАБ ҚИЛИНИШИ ТУФАЙЛИ УНЧАЛАРИ БҮЛПОЛМАСЛИГИ МАССОЛЛАР АСОСИДА КҮРСАТИБ БЕРИЛАДИ.

Р. Йўлдошевнинг таъкидлашича, ўзбек тилини рус ўқувчилигига ўргатишида таржимали ўқиши хам катта аҳамият қасб этади. Муаллиф ўқитувчилиарнинг етарлича назарий билимга эга эмасликлари хам ўзга миllлат болаларига ўзбек тилини ўргатишидаги муваффакиятсизликларга сабаб эканини таъкидлайди. Ўқитувчилиар таржимали ўқиши билан таржимасиз ўқишининг кўлланиш чегараси ва бунинг сабабини анниқ билмайдилар, чунки улар матнлардаги қайси сўзлар ўқувчилир учун тушунарли, қайслилари тушунарсиз эканлиги ҳақида маълумотларни тўплаб ва хисоблаб бормайдилар. Айрим ўқитувчилиар таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида матн устида ишлашни таржимали ўқишидангина иборат деб биладилар. Шу боис дарсликдаги барча материалларни сидирғасига рус тилига таржима қилдирадилар. Ортикча вакт сарф қилинадиган бу усул ўқитиш самарадорлигини пасайтиради. Олимнинг таржимали ўқитишининг таълимий томони таржима технологиясини ўргатишидир деган қараши илмий исботини топган. Монографияяда рус тилида сўзлашувчи ўқувчилиарнинг ўзбекча оғзаки нутқини матнлар асосида ўстириш мухим дидактик муаммо сифатида ўрганилиб, унинг амалиётда кўл келадиган ечимларни тавсия этилган.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқувчилилар 2-синфдан ўзбек тилини ўргана бошлайдилар. Уларнинг ўзбек тилини ўрганишлари учун кулагитил мухитти мавжуд. Яъни, болалар ҳар қадамда ўзбекча нуткка дуч келадилар. Дарс жараёнида эса уларга матнлар ёрдамчи манба бўлиб хизмат қиласди. Матнлар устида ишлаш ўқувчилиарнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш хамда ўзбек тили таълимининг дастлабки босқичларида матн мазмунини қайта хикоя қилиш машқлари тарзида амалга оширилади. Китоб муаллифи қайта хикоялашнинг: а) ҳажмига кўра (тўлик, қисқартириб, танлаб); б) мазмунига кўра (батафсип, асосий мазмунини, сайлаш); в) гапирувчининг иштирокига кўра (матни ўзгартирмай сўзлаш, матни мазмунини ўз сўзлари билан) каби уч турини ишлаб чиқади ва бу педагогик юмушнинг илмий-назарий хамда амалий жиҳатларини кўрсатиб беради.

Монографияянинг иккинчи бобида грамматик материалларга асосланган ҳолда гап ва гапдан катта нутқ намуналари, яъни матнларни моддийлаштириш йўлларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилган. Р. Йўлдошев Гап конструкцияларини ажратиши, грамматик материалларни гап ва матн намуналари воситасида ўргатиши масалаларига атрофлича тўхталган. Муаллиф ўзининг бир неча ўн йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотларига таянган ҳолда ўқувчилиарни сўзлашга ўргатиши учун тақдим этиладиган гап намуналарини муайян моделларга айлантиришини тавсия қиласди. Олим модель сифатида танланадиган гап 1) ундаги бир сўзни алмаштирган ҳолда чекизз мидордаги ўхшаш гапларни вужудга келтириш мумкинлиги; 2) гап намуналари грамматик материалларни муайян изчиликда, тўла-тўқис қамраб олиши зарурлиги сингари талабларга жавоб берishi кераклигини курсатади. Р. Йўлдошев ўз илмий ғояларини таклиф этибигина қолмай, уларни амалга оширишининг амалий-методик йўлларини ҳам кўрсатади. Муаллиф гап намуналарини моделллаштириш катта кўламдаги методик масалаларни

Хал этиш орқали мұваффакиятли амалта ошиши мұмкинлігінің даалиттар воситасыда исботлаб беради.

Үқувчига берилген гап модели таркибидаги бир ёки бир неча сүзни алмаштириш орқали унинг нуткенині үстеришига эришиш ва бунинг учун зарур бүладиган сүзлар ти-зимини белгилашда үқитувчи боланинг ўш хусусиятлари ва итеплектуап имконият-ларини билиши тақозо этилади. Китоб муаллифи рус тилидаги мактаб үқувчилари хар бир синфда этаплашларды лозим бўлган луғат-минимумнинг аник микдорини ил-мий асосларда белгилаб, куйидаги холосага келган: «Хуллас, намуна асосида са-вол-жавоб қилиш, гаплар тузиш учун дастлаб грамматик воситаларни ўзгартиришини талаб этмайдиган, сўнгра уларни онгли равишда танлашга ва кўплашга ундаидиган сўзлар рўйхатлари ёки луғатлар тавсия қилингани маъкул. Бундай рўйхатлар ёки луғатлар оғзаки нуткй машқуларни бажаришда осондан қийинга қараб бориши имко-ни беради»³. Муаллиф модель учун танланган гапда алмаштириши лозим бўлган гап курилишида намунарга таяниб, йигирма марта ўзгариш ясай олган ўқувчи истаган пайтда шунга ўхшаш гапни мустақил равишда туша оладиган кўнижмага эга бўлиши билан асослайди. Дейлик, ўқитувчи “Мен мактабга бордим” гапидаги “Мактабга” сўзининг ўрнига кўплаш мумкин бўлган “ишга”, “уйга”, “тўйга”, “бозорга”, “кинога”, “дўконга” тар-зидаги йигирмата сўзни бериши ва ўқувчилардан шуларни кўплаб, гапни ўзгартиришга ўргатиши болаларда ўқитувчи бермаган бошқа сўзларни ҳам тўри кўплай олиш кўнижмасини шакллантиради.

Ҳар қандай иккинчи тилни ўрганишда савол-жавоб асосига курилган сұхбат усули салмоқли урин тутади. Монографияда бу методга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Му-аллиф таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчилари ўзбек тилини савол-жавоб асосида үргатишина қолмай, бу ишларни қандай ташкил этиш йўлларини ҳам лозимлигини таъкидлабгини қолмай. Р. Йўлдошев грамматик қоидаларни ўз хотича эмас, балки гап моде-ли ёки савол-жавоб орқали ўқувчилар нуткига олиб кириш йўлларини кўрсатади. У бу жараённинг илмий-назарий асосларини белтилаб, бу жараён билан боғлик иш турла-рини 1) грамматик воситани англишиш, нуткка олиб кириш; 2) намуна асосида гап ёки савол-жавоблар тузиш; 3) грамматик воситалардан автоматлашган холда фойдаланиш малакаларини шакллантириш; 4) нуткда грамматик воситани ўйлаб ўтирамай тез кўллаш даражасига етказиш сингари тўрт босқичга ажратган. Монографияда ҳар бир босқични ташкил этишининг аник йўллари хусусида батарифсип сўз юритилган.

Китобнинг учинчи буби нутк үстеришига бағишилганнан машқуларни лексик жиҳатдан таъминлаш методикасига бағишилганнан бўлиб, унда рус тилида сўзлашувчи ўқувчининг оғзаки нуткенині үстеришида муҳим ўрин тутадиган луғат минимумларини тузиш принциплари ҳакида сўз юритилади. Муаллиф ўз тадқиқотида таъкидлаганидек, ҳар бир синфда ўқувчи ўзлаштириб олиши лозим бўлган мажбурий сўзларнинг минимал микдорини белгилаб олиш иккинчи тилни ўрганишда қатор кулайликларни көлтириб чиқаради. Чунончли, луғат минимумуми белгилаб олинмаса, ўқувчиларга ўргатилиши лозим бўлган сўзлар микдори ё ҳаддан ташқари ортиб, ёки, аксинча, камайиб кетиши мумкин. Шунингдек, ўрганилиши керак бўлган сўзларнинг қайсилари фаол ва қайсилари нофаол эканини белгилаб олинмаса, болаларнинг давлат тилини ўрганиш йўлидаги меҳнатлари самарасиз бўлиш хавфи туфилади. Минимум сўзлар микдори аник белгилаб олинмаса, қайси синфда қандай грамматик воситаларни ўргатиш кераклигини ҳам тўғри белтилаб бўлмайди. Шу йўналишида кирк йилдан ортиқроқ вакт мобайнида кузатишлар олиб бор-ган муаллиф рус тилида сўзловчи ўқувчилар ўзларни ўқишишлар олишлари

³ Ўша асар. 75-бет.

Учун 2100 туб сўздан иборат луғат минимуми зарур деб хисоблайди. Олим илмий асосларга таяниб, ўзлаштирилиши позим ясама ва нофарол сўзлар мидори қанча бўлишини хам белгилаб беради.

Луғат минимумини яратишида муаллиф ясама сўзлардан фойдаланишига ҳам алоҳида этибор қаратади: “Ясама сўзларнинг ҳаммаси ҳам оғзаки нутқда фаол ишлаптилавермайди. Ўзбек тили ўқитувчисининг бу йўналишдаги меҳнатини енгиллаштириш максадида луғат минимумига ясама сўзлардан иборат кўшимча луғат илова қилиниши даркор. Луғат минимумида туб сўзлардан кейин қавс ичida унга кўшилиши мумкин бўлган сўз ясовчи кўшимчаларни, кўшма сўзнинг иккинчи унсуруни кўрсатиб кўйиш мумкин. Масалан: **Танқид** (-чи, -ий, -килмок); **ов** (-чи, -ла, **килмок**); **пахта** (-кор, -зор, -ли, -сиз, -чилик) **тер** (-им, -ув, -имчи, -ма)⁴.

Монографиянинг туртинчи боби таълим рус тилида юритиладиган мактаб ўқувчилигарни оғзаки нутқини ўстиришга қаратилган дарслар структураси ва уларни ташкил этиш йўлларига бағишиланган. Муаллиф ўзбек тилидан уюштирилладиган дарс турларини а) янги сўзлар билан танишириши; б) гап моделлари асосида ишлаш; в) лексик-грамматик машқлар бажариш ва берилган мавзуда хикоя қилиш сингарилардан иборат уч турда бўлиши максадга мувофик деб хисоблайди.

Китобнинг ўзбек тили таълимни ташкил этишида таянилладиган ёндашув ва принциплар хусусида сўз юритиладиган сўнгти бешинчи боби бевосита шу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борадиган мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, муаммонинг илмий-назарий асосларини тадқик этишга йўналтирилган.

Катта назарий тайёргарлик ва кўп йиллик тажрибага эга таникли методист олим Рустам Йўлдошевнинг “Ўзбек тили дарсларида ўқувчилигарни оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси” деб номланган монографияси таълим-тарбия бошқа тилларда олиб борилладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиши илми ва амалиёттига кўшилган салмоқли хисса бўлди. “Кўп гапиртириш орқали” деган биримма бежизга асарнинг номида акс этмаган. Муаллиф бу йўналишдаги ўқитиши жараёнида асосий эътибор айнан “кўп гапиртириш”га қаратилиши зарурлигига ургу беради. Ўзга тилда сўзловчи ўқувчилигарни сабоқларда “кўп гапиртириши” уларнинг давлат тилида, умуман, гапира олишлари ва тўғри гапира олишлари йўлидаги илк ҳамда асосий дидактик қадам экани китобда атрофлича асослаб берилган. Ўзига хос бу асар бўлажак методист олимларнинг илмий изланишлари ва ўқитувчилигарни амалий фаолиятларида тез-тез аскатиши шубҳасизdir.

Илмий изланишларни ташкил этишга ўқувчилигарни оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси таълим-тарбия бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиши илми ва амалиёттига кўшилган салмоқли хисса бўлди. “Кўп гапиртириш орқали” деган биримма бежизга асарнинг номида акс этмаган. Муаллиф бу йўналишдаги ўқитиши жараёнида асосий эътибор айнан “кўп гапиртириш”га қаратилиши зарурлигига ургу беради. Ўзга тилда сўзловчи ўқувчилигарни сабоқларда “кўп гапиртириши” уларнинг давлат тилида, умуман, гапира олишлари ва тўғри гапира олишлари йўлидаги илк ҳамда асосий дидактик қадам экани китобда атрофлича асослаб берилган. Ўзига хос бу асар бўлажак методист олимларнинг илмий изланишлари ва ўқитувчилигарни амалий фаолиятларида тез-тез аскатиши шубҳасизdir.

Илмий изланишларни ташкил этишга ўқувчилигарни оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси таълим-тарбия бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиши илми ва амалиёттига кўшилган салмоқли хисса бўлди. “Кўп гапиртириш орқали” деган биримма бежизга асарнинг номида акс этмаган. Муаллиф бу йўналишдаги ўқитиши жараёнида асосий эътибор айнан “кўп гапиртириш”га қаратилиши зарурлигига ургу беради. Ўзга тилда сўзловчи ўқувчилигарни сабоқларда “кўп гапиртириши” уларнинг давлат тилида, умуман, гапира олишлари ва тўғри гапира олишлари йўлидаги илк ҳамда асосий дидактик қадам экани китобда атрофлича асослаб берилган. Ўзига хос бу асар бўлажак методист олимларнинг илмий изланишлари ва ўқитувчилигарни амалий фаолиятларида тез-тез аскатиши шубҳасизdir.

⁴ Ўша асар. 135-бет.